
ДАНҒАРА ТУМАНИДА «АЛЛА-МАҢНАВИЯТ КҮЗГУСИ» ШИОРИ ОСТИДА КҮРИК ТАНЛОВИНИНГ ТУМАН БОСҚИЧИ БҮЛИБ ЎТДИ.

Алла – аждодларимиздан мерос бўлиб қолган энг азиз ва муққаддас қўшиқдир. Бу қўшиқни сўз билан таърифлаб бўлмайдиган ўзига хос оҳанги, сехри, жозибаси бор. Ана шу оҳанг гўдакларни сеҳрлайди, мурғак вужудига ором бағишлайди. Алла фақат сеҳрлаб ухлатувчи эмас, балки гўдаклар қалбига эзгулик туйғуларини бахш этувчи қўшиқ ҳамдир. Чунки онажонларимиз ўзларининг орзуларини, пок ниятларини алла орқали тараннум этадилар.

Данғара тумани маданият марказида оналарга юксак эҳтиром кўрсатиш, миллий анъана ва урғодатларимизни ёшлар орасида кенг тарғиб қилиш, алла айтиш санъатини чуқур ўргатиш мақсадида Данғара Мактабгача таълим бўлимига қарашли Мактабгача таълим ташкилоти педагоглари ўртасида «Алла-маңнавият кўзгуси» шиори остида кўрик танловининг туман босқичи бўлиб ўтди.

Тадбир бошида туман ҳокими сўзга чиқиб барча иштирокчиларга омад тилаб барчани баҳорнинг илк байрами 8 март - Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан қизғин муборакбод этиб табриклиди.

Иштирокчилар аллани театрлаштирилган саҳна кўринишлари орқали жонли ижрода куйлашди.

Танлов якунига кўра 1-ўринни 5-сонли МТТ тарбиячиси О.Содикова, 2-ўринни 4-сонли МТТ тарбиячиси Д.Акбарова, 3-ўринни 8-сонли МТТ тарбиячиси М.Шерматовага насиб этди. Танлов ғолибларига туман ҳокимлигининг эсталик совғалари топширилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook](#),
2021-03-05 20:11:30